

I

Хар қандай фойдали бахс ёки мунозара ахлокий, фикрий ва рухий қувватни талаб этади. Агар бу қувват ўрнини нафс ва ганимлик майли ишғол қилмаган бўлса, билингки, бахс тафаккур ва самимият минбари эрур. Илм ва адабиётда бугун айнан ана шундай мунозара минбари зарур.

Дарвоқе, Н.Жумахўжа мақоласининг («ЎзСА» 1998 йил, 10 июль) муқаддимасида шундай бир ўғит бор: «Кези келганда ҳақиқатни тан олиш, иззат-нафсни мағлуб этиш, сукут саклаш ҳам мардлик фазилатидир». Мен бу насиҳатни инобатга олишга урндим – бўлмади. Чунки Н.Жумахўжанинг бахсга аралашувидан мақсади ҳақиқат ахтариш эмасдир.

Бахс маданияти бизда ҳали пастрок, албатта, уни юксалтириш зарур. Аммо бунга бахслашмасдан, мунозара даражаси ва натижаларини таҳлил қилмасдан эришиб бўлмайди. Ҳақиқат сўзга, фикрга айлантириларкан, ҳеч шубҳа йўқки, у ўзининг табиий шакли ва дахлсизлигидан бир қадар йироқлашади. Ана шунда ҳақиқат номи билан турланиб, тусланиш имконияти тугилади. Шу имкониятдан фойдаланилмаса, бахс ва мунозара ҳақиқат ҳамда тараккиётга хизмат қилади.

II

Н.Жумахўжа мақоласида «Хикматлар» масъул муҳаррирсиз, нашриёт редактори раъйи билан чиқиш» сабабига доир И.Ҳаққулнинг фикрларига эътироз билдириб, жумладан бундай дейди: «В.Раҳмоновдан тортиб, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Рустамов, Н.Қомилов, А.Абдуғафуров, Ё.Исҳоқов, Н.Раҳмонов, Б.Тўқлиев каби ўнлаб зукко ва тажрибали олимларимиз борки, «Хикматлар» матнини такомиллаштириш йўлида уларнинг хизматларидан фойдаланиш мумкин ва зарур эди». Анча «қамровли» бу мулоҳазалардан кўзланган мақсад: И.Ҳаққулни «ўнлаб зукко ва тажрибали олимлар»га қарши қўйиш эмасмикин? Н.Жумахўжа нашр ва нашриёт ишларини билмаса, билишни хоҳламаса, бунинг учун И.Ҳаққул гуноҳқорми? Ахир, «Хикматлар» хусусий нашриётда чиқарилгани йўқ-ку! Нашриётларда нима учун махсус таҳрир хайъати тузилади? Яссавийнинг китобида ҳам шундай хайъат рўйхати берилган. Унда Азиз Қаюмов, Суйима Ганиева, Бегали Қосимов, Натан Маллаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Омон Матжон, Одил Ёқубовларнинг исм-шарифлари ёзиб қўйилган. И.Ҳаққул шу таҳрир хайъати аъзоларидан қайси бирининг «хизматларидан фойдаланиш»дан бош тортибди? Нашр этиладиган китобни қимларга ўқитиш ёки ўқитмаслик қаминанинг ихтиёридаги иш эмаслигини аниқлаш нахотки шунчалик қийин?

«Хикматлар» китобининг босилиб чиқиши ҳам бир тарих бўлиб қолди. Бу воқеани энди ҳар хил изоҳлаш мумкин. Н.Жумахўжа ҳам фикр-мулоҳаза билдиришга ҳақли. Бирок унинг ўша нашр жараёнини аниқ билмасдан, «Ундан шахсан мен ҳам хабардор эдим», дея таҳминий гапларни айтиши нотўғри. Унингча, «қайта қуриш ва ошқоралиқ даври»даёқ Яссавий «Хикматлар»ини чоп этишга Ўзбекистонда табиий замин етилган» экан. Қани энди шундоқ бўлган бўлса. «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумидаги биринчи китоб «Қадимий хикматлар» деб номланган ва у ошқоралиқ айни авжига кўтарила бошлаган 1987 йили босмадан чиққан. Энг қадимий адабий ёдгорликлардан бошлаб Югнакийнинг «Хибатул ҳақойик»игача бўлган асарлардан олинган парчалардан таркиб топган шу мажмуага, номига бўлса ҳамки, Яссавийнинг хикматларидан намуналар

киритилмаган. Нега?

Мустакилликка шукроналар бўлсинки, тасаввуфшуносликда ҳам эркинлик йўлини очди. Бугунги кунда кочган ҳам, кувган ҳам диний-тасаввуфий адабиётнинг мухофизиди. Бирок улар саксонинчи йилларининг охирида ҳам Яссавий шахсияти ва ижодиётига, юмшоқроқ қилиб айтганда, муносабат яхши бўлмаганлигини эшитишни-да исташмайди. Аслида эса ахвол худди шундай эди. Шу боис «Ўзбек адабиёти бўстони» туркуми учун тузилган тахрир хайъати мажлисида «Кадимги хикматлар»га Яссавий шеърларидан киритилиши хақидаги бизнинг таклифимиз, филология фанлари доктори А.Абдугафуров ва фан номзоди Ё.Исхоковларнинг қўллаб қувватлашларига қарамай таклифлигича қолиб кетганди. Шундан сўнг биз ўша тахрир хайъатидан воз кечганмиз. Ўз ишига инсон ўзи баҳо беришни зиммасига олса, биринчидан, баҳони жуда баландлатади, иккинчидан, мен аладанмайман, деган самимий бир ўй билан бошқаларни алдаётганини сезмай қолади. Акс холда Н.Жумахўжа: «И.Хаккул ўша пайтда «Ёшлик» журналида Яссавий хақида катта бир мақола эълон қилганди. Шу мақолага акс-садо тарзида мен ҳам мазкур журналда Ахмад Яссавий «Хикматлар»и нашри зарурлиги хақида мақола билан чиқдим. Шунда «Хикматлар» нашри жадаллашиб кетганди», деб ёзмасди. Биринчидан, «Ёшлик»даги мақола Яссавий хақида эмас, Навоийнинг Яссавийга муносабати хақида эди. «Яссавий ва Навоий» деб номланган бу мақола «Яссавий номини Навоий билан тенг қўйиш мумкин эмас», деган таъкид билан бир сон кейин «Навоий азиз билган...» сарлавхасида (сарлавхани журнал муҳаррияти қўйган – И.Х.) босилиб чиққан эди. Иккинчидан, Н.Жумахўжа мақоласидан сўнг «Хикматлар» нашри жадаллашиб кетганида, қўлёзма икки йилча нашриётда туриб қолмасди. Учинчидан, «Яссавий Хикматлар»ини Туркия нашри асосида қайта чоп этиш қахрамонликми?» дея тасаввурга сигмайдиган саволни ўртага қўйиш ҳам ўринли бўлмаса керак?

III

«Девони хикмат»нинг танкидий матнини яратишда, - дейди Н.Жумахўжа, - И.Хаккул Туркия тажрибасини тавсия этади. Бу фикрга у «Юнус Эмро девони» танкидий матнининг яратилиш тажрибасини асос қилиб келтиради. Бошқа соҳани билмадим-ку, хусусан, матншунослик соҳасида биз Туркия «андоза»сига мухтож эмасмиз. Бизнинг миллий матншунослигимиз ўзига хос ва ўзига мос йўлда уларга нисбатан анча ривожланиб кетган».

Эски мафкура шундай бир зарарли ва захарли мафкура бўлганки, холат ва фурсат етди дегунча, ҳамон у ўзининг мавжудлигини сездириб, ботиний мавқеини дархол намойн айлайди. Юқоридаги фикрлар мохият эътибори ила ўттизинчи, эллигинчи йилларда айрим ёзувчи ва олимларимизни «пантуркист»ликда қоралаган кишиларнинг ҳукмларига ўхшаб кетиши тасодиф эмас, албатта.

Аввало, шуни айтиш керакки, Туркия «андозаси»га мухтожликни биз хаёлга ҳам келтирганимиз йўқ. Тажиба ўрганиш, зарур қўрилса, ўрнат олиш – бу бошқа эҳтиёж. Биз сўзлаганимиз «тажиба» озарбайжон, грузин, арман ва туркман олимлари томонидан ҳам тадбир этилганлиги матншунослик тажрибасидан оз-оз хабардор ҳар бир тадқиқотчига аён. Бундан ташқари, масаланинг илдизи ва туб мохиятига назар ташлайдиган бўлсак, Туркия «андозаси» биз учун сунъий ва ўзини оқламайдиган бир тушунча. Ва у мумтоз адабиётимизнигина эмас, миллатимизни ҳам камситиши мумкинлигини жиндек мушоҳада қилмоқ лозим.

Айтайлик, устод Фитрат «Эски турк шеъри» мажмуасини нашрга тайёрлаганда,

захматкаш олим С.Муталлибов домла тўрт жилдлик «Девони луготит турк»ни ўзбек тилига ўгириб халкимимзга етказганларида ўша асарлар усмонли турк адабиётининг эмас, умумтуркий адабиётнинг намуналари бўлганлиги учун турк матншуносларининг тажрибаларига мурожаат этишган. «Кутадгу билиг», «Хибат ул-хакойик» нашрлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. «Юнус Эмро девони» нашри бизга нега керак? Чунки у Хожа Ахмад Яссавийнинг издоши. Издошлик анъанасини билиш – йўлбошчининг буюклигини бутун микёси билан англашга хизмат қилмайди, деб ким айта олади? Лутфий, Гадоий, Убайдий сингари бир канча шоирларимиз шеъриятдан намуналар, Шайбонийхоннинг девони дастлаб Туркияда чоп қилинган. Чунки улар ўз адабиётининг тақдирини ҳам, тараккиётини ҳам ўзбек адабиётининг таъсирисиз тасаввур эта олишмайди. Шунинг учун турк матншуносларининг Алишер Навоий асарларига кизикиши кучли ва изчилдир. Шунинг учун ҳам Навоийнинг бизда ханузгача тўлик босилмаган «Насойим ул-мухаббат»нинг танкидий матни Туркияда чоп этилди. Шу китобни кўлга олиб, Хазрат Навоийдек даҳо санъаткоримиз борлигидан табиий равишда фахрланиб, нашрдаги ютук ва камчиликларни мулохаза қилиш яхшими ёки бу хориж «андозаси» дея юз буриш макбулми?

Албатта, янги давр, янги мафкура бошка давлатлар катори қардош Туркия билан ҳам янгича муносабатни талаб қилади. Биз адабиёт, санъат, фан ва маданиятда ҳам ўзининг теран тарихига эга мустақил миллатмиз. Лекин илм-фан, адабиёт ва санъат, мусика ва маърифатда ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш эҳтиёжини инобатга олсак, ҳеч нима ютказмаймиз.

1995 йил Истанбулда И.Хаққулнинг эмас, балки у нашрга хозирлаган Ахмад Яссавийнинг «Девони хикмат»и босилиб чиққан. Нашрга тайёрловчининг исм-шарифи бутунлай тилга олинмаслиги ёки ўчириб ташланиши мумкин. «Девони хикмат»нинг хорижда чиқиши барибир қувончли ходиса. Биз бу фактни В.Раҳмонов кўрсатган бир қатор хатолар бартараф этилгани маъносидан эслатгандик. Хайриятки, эслатма «Мактанчокликка йўйилмаса...» деб бошланган экан. Шунга қарамасдан Н.Жумаҳўжа «Бунинг нимаси мактанарли? Бугунда кўп жихатдан дунё мамлакатларидан орқада эмаслигимиз аён бўлиб қолди-ку!» дейди. Ё ажаб! Бир китобнинг Истанбулда чиқиши қаёнда-ю, «кўп жихатдан дунё мамлакатларидан орқада эмаслигимиз» қаёнда?

Агар шу савияда фикрлайдиган бўлсак, миллий мафкурамизга бутунлай зид ва бегона «Нима бизга Америка?»чилик мактанчоклигини яна оёқлантириб, халойикка қулги бўлмаймизми?

«Пушти имон шариатдур, мағзи тарик», мисрасидаги «пушти имон» иборасига И.Хаққул берган изоҳлар Н.Жумаҳўжага гапни «бошка томонга буриш», «гапни айлантириш» бўлиб кўринади.

«Пушти имон» - Яссавий хикматларида учрайдиган ибора. Шу боис К.Эраслон «пушт» сўзига «орка»; сирт; насл; белбоғ» («Девони хикмат»дан намуналар, 470-бет) дея шарҳ берган. Бундаги мажозий маъно «Фарханги забони тоҷики» лугатидаги «пушт» сўзининг (мажозий мазмуни) изоҳига тўла мувофиқ келади. «Пушт»нинг «белбоғ» маъносига эгаллигини, эҳтимолки, Н.Жумаҳўжа билмаган. Унда «Афсонадур шариат, фарзонадур хақиқат» сатридаги «афсона»га ёпишиб олиб, шариатни «афсона» дейиш, «пушти имон шариатдир», дейишдан ҳам галатирок-ку!

IV

«Бахсдан мақсад – хақиқат» мақоласининг қарийб учдан бир қисмида интуициянинг

матншуносликдаги ахамияти хакида гапирилган. Бунга эса «Санамай саккиз демайлик...» маколасидаги куйидаги сўзлар асос бўлган: «И.Хаккул «умумлашма» чиқаради: «Менимча эски матн нусхаларига ахамият бермасдан ўзининг интуицияси ва субъектив карашларига биноан «хато» топиш ва тузатиш нотўғри ва хавфлидир. Афсуски, шу усулдаги тажрибалар кейинги пайтларда одат шаклини олмокда..». Бу фикрлар замирида «Кўлёзма кўрмасдан мумтоз адабиётимиз нашрларидаги хатоларни ўз-ўзимизча, факат савки табиийга суяниб «хато» деб белгилавермайлик», деган талабдан ўзга бир мақсад йўқ. Ким бўлиши ва интуицияси кай макомга юксалишидан катъий назар, хар кандай зукко матншунос ҳам эски ва ишончли нусхаларга таянмоги шарт. Узокка бормасдан Машраб «Девон»ини олиб кўрайлик. Шоир шеърларидаги кўпда-кўп сўз ва иборалар В.Рахмонов ва К.Исмоилов нашрида А.Хайитметов, А.Абдугафуров нашрларидан бутунлай фарк килади. Мана бир мисол: А.Абдугафуров чоп эттирган «Танланган асарлар»да ўқиймиз:

Мани сенсиз бу дунёда тириклик килмогим мушкул,
Кел, эй кўнгул, кечоли бу тирикликни бакосидин.

«Девон»даги шакли:

Санам, сенсиз бу дунёда тириклик килмогим мушкул,
Кел, эй Мажнун, кечоли бу тирикликни бакосидин.

Менинг назаримда, байтнинг олдинги кўринишида поэтик мантик хакконий аксини топган. Ва лирик кахрамоннинг «Эй кўнгул», дея мурожаати юз фоиз ўзини оклайди. Чунки ишк йўлчисига кўнглидан якин, кўнглидан хамрозок «шахсият» йўқ. Мавлоно Лутфийнинг «Бу кўнгилдир, бу кўнгил» радифли газалида мазкур хакикат ниҳоятда гўзал тасвирланган. Колаверса, «тириклик бакосидин» кечишга ўртак кўрсатган Мажнунни яна шу ишга чорлаш кандайдир гайритабиий туюлади. (Санамга нидо килиб, кутилмаганда Мажнун номини тилга олиш ҳам). Бу – менинг байтга шахсий муносабатим ва уни шахсий тушунишим. Албатта, «Эй кўнгул»нинг ўрнини «Эй Мажнун» эгаллагани учун В.Рахмоновга ишонч ила эътироз билдира олмайман. Чунки Машраб «Девон»ининг қадимий нусхалари сакланмаган. Шу билан бир каторда В.Рахмоновнинг «интуиция»сига мафтун ҳам бўлолмайман. В.Рахмоновнинг матншуносликдаги тажрибаси Н.Жумахўжага мутлок нуқсонсиз туюлган бўлиши мумкин. Лекин мен хурматли олимимизнинг Навоий, Яссавий байтларидан топган хатоларининг барчасини ҳам хато деб қабул килмайман. Хуллас, Н.Жумахўжа юқоридаги фикрларимизни «матншунослик истеъдодига таҳдид» ва гайриилмийлик тамойилига нисбат беришга хар канча рағбат этмасин, охирида, «Албатта, интуиция ёрдамида аниқланган маълумотни кўлёзма билан текшириш керак», дея И.Хаккул гапини қувватлаш, хаттоки тақрорлашдан ўзга чора тополмайди. Бунинг нимаси бахс?! Бахс дегани «тухумдан тук ахтариш» эмас-ку ахир!

У

Н.Жумахўжанинг интуиция масаласига ўзича катта ахамият бериши бежиз эмас. Чунки, унинг ўзи тасаввуф тушунчалари ва тимсоллари маъносини аксарият холларда интуиция бўйича «кашф» этади. У ёзади: «Бир неча жумла оралигида И.Хаккул томонидан «буроксуворлар» - «чин ошиқлар» макомидан «ишкпарастлар» тоифасига туширилади. Ишкпараст – чин ошиқ эмас, албатта. Чинакам комил ошиқ айнан Меърож тунида Бурок воситасида Оллох хузурига кўтарилган пайгамбар Мухаммаддир. Буроксувор айнан унинг сифатидир».

Оддий ўқувчи бу гапларга чиппа-чин ишонади. Тасаввуф тадқиқотчиларининг ишк

бахсидаги асарларидан беҳабар одам Н.Жумаҳўжа хулосаларига койил колиши ҳам мумкин. Гап шундаки, «Ишқпараст – чин ошиқ дегани» бўлмаса, унда тасаввуфшунос олимлар ишқни тур ва даражаларга ажратиб, нега «Узрий ишқда аввал севган ёрига ошиқ бўлади. Уни каттик севади, ишқдан тугилган изтироб ва алам ичида ёниб-куяди, ниҳоят шундай бир нуктага етадики, ишқдан хушнуд бўлиб, хузурланишга бошлайди. Айни шу юксакликда ишқ учун маъшуқасини ҳам унутиб, унинг ишқи ила нафас олади... Лайлони севган Мажнуннинг ишқи мана шундайдир», дея шарҳлар битишган? Ишқпараст бутун борлиги ва мавжудлигини ишқда идрок килувчи, ишққа топинувчи ошиқ. Ишқпараст наинки одамнинг, балки оламнинг жонинин ҳам ишқда кўради. Н.Жумаҳўжа ишқ севги-мухаббатнинг сўнги мартабаси эканлигини билмаса? Качондан буён Мажнун чин ошиқ тимсоли бўлмай колди?

Том маънодаги комил инсон ким? Комилларнинг комили сифатида кимни ўрнак этиб кўрсатиш керак? Йирик тасаввуфшунослар, жумладан, Ибн Арабий мазкур саволга аллақачонлар «Мухаммад алайхиссалом», дея жавоб беришган. Бизда ҳам кейинги пайтларда шундай фикр ўртага ташланди. Хатто ёш бир тадқиқотчи шу масалада «Энг комил инсон ким?» деган мақола ҳам эълон килди. Н.Жумаҳўжа бу хусусдаги асосий хулосани гўёки янгилик яратгандай килиб, «Чинакам комил ошиқ» «айнан Меърож тунида Бурок воситасида Оллох хузурига кўтарилган пайгамбар Мухаммаддир», дейди. Холбуки, Яссавийнинг мунозара уйготган байти тавҳид мақомига етишган «ошиқ куллар» тўғрисида бўлиб, улар ишқпарастлик ила – чин ошиқ, чин ошиқлиги учун ишқпарастдирлар. Яссавий хақида сўзлаганда, ҳеч бўлмаса, зарур манбалардан хабардор бўлмоқ керак. Хамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетмаслиги учун ҳам Хазиний Яссавийга бағишланган «Жавохир ул-аброр» асарида Меърож масаласига махсус тўхталиб, мана нима дейди: «Яхши билгилки, набилар учун бир Меърож, ошиқлар учун бир Меърож, орифлар учун бир Меърож бордир. Наби бизотихи вужуди ила, ошиқ калби ила, ориф эса руҳи ила Меърожга кўтарилур». Ошиқликнинг буюк имтиёзи ҳам ана шунда.

Кимга қайси лугат макбул, ким қайси лугатдан фойдаланади – бу ҳар бир олимнинг ихтиёридаги иш. Бу ишда ҳеч кимнинг ҳеч кимга мажбурий кўрсатма беришга ҳуқуқи йўқ. Н.Жумаҳўжа эса «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати»га мурожаат этган. И.Хаккулга «Борди-ю лугатга зарурат тугилганда ҳам энг ишончли лугатга суянган маъқул эди. Мен П.Шамсиев ва С.Иброҳимов тузган, 1975 йили нашр этилган «Навоий асарлари лугати»ни афзал биламан», дея кўрсатма беради. Тавсия учун минг раҳмат. Бирок у кўпчилик олимлар тузган ва кўп ишни К.Мухиддиновдек беназир аллома бажарган тўрт жилдлик бир лугатнинг ишончсизлиги ва афзаллигини билмаган бўлса, И.Хаккул нима килсин?

Билибми, билмайми, камситилган ўша лугатда В.Раҳмоновнинг ҳам иштироки ва хизматлари алоҳида қайд этилган. Н.Жумаҳўжа балки бу маълумотни унутгандир. Унутмаганида сал ўйлаброк сўзлармиди?

И.Хаккулга йўналтирилган танқидлардан яна бири – «тағзаминли танқидни тушунмаганлик»дир.

Келинг, яхшиси мана бу кўчирмани ўқийлик: «Тасаввур килинг, - дейди И.Хаккул давом этиб, - «Тавҳид отлиг» улкан бир дарахт: унинг соясида ошиқ куллар бурокларига миниб ўтиришибди. Ахир бу «дарахт соясида бурок сўйиш» билан қарийб тенг мантик». Энди В.Раҳмоновдаги «суюмок» феъли И.Хаккулда «сўймок»ка айланади. Бунда асл матнда

йўк «ўтиришибди» деган холат «кашф» этилган». Холат «кашф» этилмаган. Сўзнинг ўзгариши ҳам мутлако тўгри. Ахир, И.Хаккул «Бурок»ни моддий маънода тушунилишига карши. Н.Жумахўжа кайд этганидек, Абул Ало Афибий «бекорга овора килинмаган. Балки ўқувчи максадни билишда чалгимаслиги учун машхур араб олимнинг мутасаввифларнинг «йўлчиликларида уларни Оллохга етказадиган «Бурок» илохий ишк эрур...», деган изохиға ҳам эътиборни қаратган.

В.Рахмонов мақоласида эса «Бурок»нинг маънавий-рухий моҳияти инобатга олинмаган. Ана шу боис «хамма нарсани образли тушунадиган олим» ўз англашига содик қолиб, «Тавхид отлиғ дарахт сингари «Бурок» ҳам моддий хақиқат эмас, у агар қандайдир жонзот киёфасида тасаввур этилса, «Ахир бу «дарахт соясида Бурок сўйиш», яъни от қалласини кесиш билан қарийб тенг бўлади-қу», деган.

Демак, ҳазилни тушуниш фойдали бўлганидек, кинояни англай олиш ҳам зарар қилмас экан-да. Балки шунда Н.Жумахўжа хамма жихатни инобатга олиб хотиржамлик ила таҳлил билан инкор этиб, йўк айбни бор қилиб кўрсатмасмиди? Унинг «борик», «борика» сўзларига тегишли гапларини ўйлаб кўрса бўлади. Аммо «нур», «шуъла», «ёлқин» маъноларини ифодаловчи ушбу сўзни (бу сўз Навоий шеъриятида ҳам учрайди: «Не барқки офат ул юз, Ё борикаи латофат ул юз») Яссавий «матнига асло ёпишмайди» дейиш ҳам ўзини тўла оқламайди. Аксинча, рамзий-тасаввуфий маънодаги «соя» табиий бир йўсинда бу сўзни эсга солади. Хуллас, «Девони хикмат»нинг мавжуд қадимий кўлёмалари қанчалик тез кўздан кечирилиб, сўз ва тилдаги фарқлар қанчалик тез аниқланса, мунозаралар ўшанча тез барҳам топмоғи, муқаррар.

VI

В.Рахмоновга жавоб тарзида ёзилган мақоламни такрор ўқидим. Ундаги «Хикматлар» В.Рахмонов қайд этганидан ҳам ортик ҳатолар билан босилиб чиққан. Мен буни тан оламан», деган жумлаларни кўриб, мени «билимдонлик билан кўрсатилган қамчиликлар»ни рад этувчи деб айблаш ҳам ноҳақлик эканини билдим.

Тўқиб танқид қилиш билан, ўқиб холис танқид қилиш орасида ер билан осмонча фарқ бор, албатта. Тўгри, олим қавмининг хоҳласа, «пашша»дан «фил» ясашга, истаса «фил»ни «пашша»га айлантиришга уриниб «образ» яратишга уринишда ҳам ўзига хош бир ишонч бўлади. Фақат бу ишонч хоҳланг хоҳламанг, моҳиятбин ҳар бир қишида ишончсизлик тугдиради. Бу эса баҳсинг ҳам, хақиқатнинг ҳам кадрина ерга қориштиради. У ёки бу маънода ўқувчи дилида шубҳа ва гумонга жой бермаслик учун баҳс ва мунозараларда очикликка риоя этмок – бу мардлик ва тантилиқнинг тамали эрур.

«Ўз АС» 1998, 7 август